*Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!*

# Ishonch

2021 йил
23 сентябрь
пайшанба
№ 121
(4561)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz

# БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Ўзбекистон Республикасининг 2021-2025 йилларга мўлжалланган янги Муносиб меҳнат дастури имзоланди*







Саидакбар Абдураимов олган суратлар

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида Ўзбекистон Республикасининг 2021-2025 йилларга мўлжалланган янги Муносиб меҳнат дастурини имзолаш маросими бўлиб ўтди.**

Видеоконференцалоқа шаклида ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Норбоева, Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) бош директори ёрдамчиси Хайнц Коллер, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Нозим Ҳусанов, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов, Ўзбекистон иш берувчилар Конфедерацияси раиси Илҳом Ҳайдаров ва БМТнинг Ўзбекистондаги доимий координатори вазифасини бажарувчи Ю Ю иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, сўнгги 5 йил давомида Ўзбекистонда барча соҳаларда, шу жумладан, ижтимоий меҳнат муносабатлари соҳасида ҳам аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш, инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Шу билан бирга, Халқаро меҳнат ташкилоти ҳамкорлиги ва амалий кўмагида Ўзбекистонда муносиб меҳнат механизмларини татбиқ этишга йўналтирилган кенг кўламли дастурларни амалга оширишга эришилди. ХМТ билан ҳамкорлик 2014 йилдан буён Муносиб меҳнат дастурлари асосида амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, 2017-2020 йиллар учун имзоланган ва амалга оширилган Муносиб меҳнат бўйича Мамлакат дастури Ўзбекистоннинг муносиб меҳнат соҳасидаги ислоҳотларини қўллаб-қувватлаган ва қонун ҳужжатларини халқаро меҳнат стандартларига мослаштирган фаолиятнинг аксарият соҳаларида қатор муҳим натижаларни берди.

2 ▸

Кўрик-танлов

**Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши тизимидаги бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ўртасида ўтказилган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови ғолиблари тақдирланди.**

## Меҳнатга яраша рағбат



Ғолиблик аъзолар сони 100 нафардан ортиқ бўлган бошланғич ташкилотлар ўртасида Тошкент минтақавий темирйўл узели касаба уюшма ҳудудий қўмитаси тасарруфидаги «Марказий клиник касалхонаси», аъзолар сони 100 нафаргача бўлган ташкилотлар ўртасида эса Термиз минтақавий темирйўл узели касаба уюшма ҳудудий қўмитаси тасарруфидаги Сурхондарё юк ҳужжатларини қайта ишлаш технологик маркази касаба уюшма ташкилотларига насиб этди.

– Нафақат «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловида, балки Республика кенгаши томонидан ўтказиладиган бошқа тадбирларда ҳам фаол иштирок этамиз, – дейди «Марказий клиник касалхонаси» касаба уюшма қўмитаси раиси Юлдуз Ҳошимова. – Жамоамиз Республика кенгашининг доимий эътиборида. Хусусан, ходимларнинг санаторийларда дам олиши, ўғил-қизларимизнинг соғломлаштирилиши учун болалар оромгоҳларига йўлланмалар берилади. Коронавирус пандемияси даврида тиббиёт ва ишчи-ходимларни қўшимча ижтимоий ҳамда моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида ёрдам пули ажратилди. Ушбу рағбатларга яраша меҳнатимиз билан муносиб жавоб берамиз, албатта.

Ғолиблар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Шерзод ИСМОИЛОВ,**
Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши «Ташкилий ишлар» бўлими мудири

*Самарқанд вилояти* | Ўзимизга назар

## Бизга «Касаба суғурта» керак!



**Тан олиш керак, меҳнат муҳофазасида мутаносибликка эришиш йўлида кўп иш қилинмоқда. Бироқ, ногоҳоний тасодиф, ҳодисалардан қочиб қутулиб бўлмаяпти.**

Хўш бундай вазиятда нима қилмоқ керак? Биттагина жавоб бор: жабрдийда жонига суғурта оро киради. Келтирилган зарар ҳам, саломатликни тиклаб олиш сарф-харажатлари ҳам суғурта идоралари томонидан қоплаб берилади.

Ҳаммамиз биламизки, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш амалиётга жорий этилган. Айни чоғда бу вазифа турли суғурта компаниялари томонидан амалга ошириб келинмоқда.

Аччиқ бўлса-да тан олиш лозим, аксар ҳолларда бахтсиз ҳодисага учраган ходимга етказилган зарарни қоплашда турли муаммоларга дуч келинмоқда. Иш берувчи у ёққа, суғурта идораси бу тарафга тортиб кетиш ҳолатлари оз эмас.

Таклифим шундаки, кўп минг сонли жамоат ташкилоти бўлмиш касаба уюшмалари қошида «Касаба суғурта» шўъба корхонаси фаолиятини йўлга қўйиш лозим.

Ишлаб чиқаришда рўй берган ҳодисани ҳам касаба уюшмалари, ҳам суғурта компаниялари ўрганади. Фарқи шундаки, жамоат ташкилоти ходим манфаати учун кўпроқ қайғураётган бир шароитда суғурта вакили масаланинг моддий томонига кўпроқ урғу беради. Агар шу ташкилот бевосита касаба уюшмалари тасарруфида бўлса, ходимга ҳам, корхонага ҳам иқтисодий тарафдан кўмаклашиларди. Ҳолатни текширувчилар сони камаярди.

Иккинчи жиҳатдан, касаба уюшмалари тизимидаги корхона ва ташкилотларда бахтсиз ҳодисалар, касб касалликларига доир тўловлар сифат жиҳатидан кафолатланган бўларди. Қолаверса, янги иш ўринлари яратиш имкони ҳам туғиларди.

**Усмон КАРИМОВ,**
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши меҳнат техник инспектори




4







Ўзбекистон **8 ой якунларига кўра,** 350 миллион долларга яқин электротехника маҳсулотларини **экспорт қилди.**

* * *

Халқаро нотариуслар иттифоқининг халқаро нотариал ҳамкорлик бўйича комиссияси президенти **Ричард Бок** бошчилигидаги делегация Ўзбекистонга **ташриф буюрди.**

* * *

Мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги мудофаа вазирининг парламентар ўринбосари, Қуролли кучлари вазири **Жеймс Ҳиппи** бошчилигидаги делегация Термиз шаҳрида бўлиб, Сурхондарё вилояти ҳокими **Тўра Боболов билан учрашди.**

* * *

**24-29 сентябрь** кунлари Тошкент халқаро бошқарув форуми **бўлиб ўтади.**

* * *

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси **Баҳром Норқобилов** Беларусь Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари – Ветеринария ва озиқ-овқат департаменти директори **Иван Смильгинь билан учрашди.**

* * *



Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси **Даниел Розенблюм** бошчилигидаги делегация **Фарғона вилоятида** бўлиб, бир қатор учрашувлар ўтказди.

* * *



Жанубий оператив қўмондонлиги Термиз дала ўқув майдонида **«Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ўз касбининг устаси унвони учун кўрик-танлови»**нинг Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ босқичи бўлиб ўтди.

* * *

**Давлат хизматлари агентлиги Тошкент вилояти бошқармасида** ёзги Олимпия ўйинлари ғолиби, умумий ҳисобда 430 килограмм тош кўтариб, Олимпия рекордини ўрнатган ва Ватанимизга иккинчи олтин медални келтирган оғир атлетикачи **Акбар Жўраев билан учрашув** ўтказилди.

* * *



Чор ҳукумати қатағон қилган, Ўзбекистон Олий суди оқлаган **115 ватандош номи эълон қилинди.**

* * *

Исломободдан Лондонга учаётган **British airways самолёти** бортидаги йўловчиларнинг бири вафот этгани сабабли **Тошкент аэропортига мажбурий қўнишни амалга оширди.**

* * *

Пойтахтимиздаги Корейс маданият марказида «Чхусок» **корейс анъанавий миллий байрами** бўлиб ўтди.

## Касаба уюшмалари фаолияти РАҚАМЛАРДА

Жорий йилнинг ўтган саккиз ойи давомида **101 минг нафардан зиёд** ходимлар меҳнат қилаётган **6200 тадан ортиқ** корхона, ташкилот ва муассасаларда касаба уюшма ташкилотлари тузилиб, бошланғич ташкилотлар сони **39500 тадан ошди.** Аъзолар сони **5,5 миллион** атрофида.

*Сирдарё вилояти*

Ишчи гуруҳ фаолияти

# Номига муносиб «НАМУНА»



**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгашида хотин-қизлар муаммоларини тизимли ўрганиш ва ҳал қилиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда жойларда «Аёллар дафтари» ижросини таъминлашда намуна бўлаётган «Аёллар маслаҳат кенгашлари» тақдирланди.**



Айни пайтда вилоятда 236 та маҳаллада 10-15 нафар фаол ва тажрибали хотин-қизлардан иборат «Аёллар маслаҳат кенгашлари» мавжуд. Улар алоҳида хона ва зарур жиҳозлар билан таъминланган ва қизғин фаолият юритмоқда.

Тадбирда вилоятдаги 44 та сектор раҳбарлари тавсияси билан 44 та кенгаш фаолияти ўрганиб чиқилгани таъкидланди. Унга кўра, Гулистон шаҳар 3-сектор ҳудудидаги «Намуна» МФЙ «Аёллар маслаҳат кенгаши» намунали деб топилди. Кенгаш раиси Жамила Андақулова ва таркибдаги фаоллар 50 миллион сўм миқдоридаги пул билан мукофотланди.

**Озода МАМАДАЛИЕВА,**
«ISHONCH»

# БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

◂ 1

Бу борадаги ишларни давом эттириш, ижтимоий мулоқотни кучайтириш ва ХМТ билан ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Муносиб меҳнат бўйича 2021-2025 йилларга мўлжалланган Мамлакат дастури ишлаб чиқилди. Мазкур янги дастур Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан Ўзбекистондаги уч томонлама ижтимоий шериклар – Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Ўзбекистон иш берувчилар Конфедерацияси билан ҳамкорликда тайёрланган.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Нозим Ҳусанов таъкидлаганидек, ушбу янги Мамлакат дастури меҳнат муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, иқтисодий, инклюзив ва адолатли ўсиш натижасида ёшлар, хотин-қизлар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояталаб қатламлари учун яратилган бандлик ва муносиб меҳнат имкониятларини кенгайтириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояталаб тоифаларининг сифатли ва инклюзив таълим ҳамда ижтимоий ҳимоядан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, ижтимоий мулоқотни мустаҳкамлаш ва ижтимоий шерикларнинг институционал салоҳиятини ошириш каби асосий устувор йўналишларни қамраб олган.

Тадбирда уч томонлама ижтимоий шериклар томонидан мазкур Мамлакат дастурининг имзоланиши Ўзбекистон ва ХМТ ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш имкониятини бериши алоҳида таъкидланди. Шунингдек, ижтимоий шерикларнинг муносиб меҳнат тамойиллари ва ижтимоий мулоқотни илгари суриш, меҳнат шароитларини янада яхшилаш, гендер тенгликка эришиш ва аҳоли ижтимоий ҳимоясини кенгайтириш борасидаги ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаши қайд этилди. Таъкидланганидек, янги Мамлакат дастурида ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасидаги сиёсатни такомиллаштириш, ижтимоий-иқтисодий масалаларда инсон омилига йўналтирилган ижтимоий адолатни таъминлаш масалалари кўзда тутилган. Шунингдек, ушбу ҳужжат Ўзбекистонни Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ)га эришишда қўллаб-қувватлашга қаратилгани айтиб ўтилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов Муносиб меҳнат бўйича Мамлакат дастури БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига уйғун экани ва Янги Ўзбекистонга ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада илгари суришда ҳамкорлик кўрсатишга қаратилганини таъкидлади. Мазкур ҳужжатда Ўзбекистон касаба уюшмалари томонидан меҳнат муносабатлари соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, бандлик ва муносиб меҳнат имкониятларини кенгайтириш, аҳолининг таълим ва ижтимоий ҳимоядан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, ижтимоий шерикларнинг ижтимоий мулоқот ва салоҳиятларини мустаҳкамлаш каби йўналишларда билдирилган таклифларнинг аксарияти инобатга олинган.

Ўзбекистон иш берувчилар Конфедерацияси бошқаруви раиси Илҳом Ҳайдаров замонавий Ўзбекистон учун мамлакат дастурининг танланган устувор йўналишлари ва меҳнат бозорининг ўзига хос хусусиятларига эътибор қаратди. Таъкидланганидек, ушбу устувор йўналишлар Ўзбекистондаги уч томонлама шерикларга ХМТнинг халқаро меҳнат стандартларини жорий этиш тажрибасини мамлакатда ўрнатилган ижтимоий мулоқотни ривожлантириш ва уч томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш билан уйғун ҳолда олиб бориш, республикада муносиб меҳнат билан боғлиқ асосий масалаларни ҳал этиш имконини беради.

Ўз навбатида Халқаро меҳнат ташкилоти бош директори ёрдамчиси Хайнц Коллер мамлакатимиздаги барча ҳамкорларга самимий салом йўллаб, охирги йилларда Ўзбекистон меҳнат соҳасидаги асоссолувчи тамойиллар ва ҳуқуқларга риоя этиш борасида салмоқли ютуқларга эришганини алоҳида эътироф этди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг пахтачиликда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик борасида эришаётган улкан натижалари ҳам алоҳида қайд этилди. ХМТ томонидан Халқаро меҳнат меъёрларини миллий қонунчиликка киритишда ва уларнинг амалда қўлланишида кўмак кўрсатилгани, 2017-2020 йилларга мўлжалланган Муносиб меҳнат бўйича мамлакат дастури доирасида Ўзбекистон ва ХМТ ўртасидаги ҳамкорлик меҳнат қонунчилигини ҳар томонлама ислоҳ қилиш ва бандликнинг миллий стратегиясини шакллантириш, хотин-қизларнинг меҳнат бозоридаги аҳволини таҳлил этиш, уч томонлама ижтимоий мулоқотни институционаллаштириш ва бандлик бўйича давлат хизматларини кучайтириш каби стратегик соҳаларда иш олиб борилгани таъкидланди. 2016 йилдан бошлаб ХМТ меҳнат муҳофазаси ва меҳнат инспекцияси соҳасида ўқувларга, шунингдек, 81- ва 129-конвенцияларни ратификация қилишда ҳукуматни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратди. Сирасини айтганда, Ўзбекистон ва ХМТ ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш соҳасида салмоқли натижаларга эришилди. ХМТ бундан кейин ҳам Ўзбекистондаги уч томонлама ҳамкорлар билан биргаликда янги Муносиб меҳнат дастурини қўллаб-қувватлаш учун барча имкониятларни ишга солишини таъкидлади.

Таъкидлаш жоизки, янги Муносиб меҳнат дастури ХМТнинг Ўзбекистон билан 2021-2025 йиллар учун ҳамкорлиги бўйича уч томонлама маслаҳатлашувлари натижаси бўлиб, БМТнинг Ўзбекистондаги барқарор ривожланиш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битимига тўлиқ мос келади. Ушбу ҳужжатда ХМТнинг меҳнат соҳасининг истиқболи тўғрисидаги юзйиллик Декларациясининг асосий меъёрлари ҳам кўзда тутилган бўлиб, Халқаро меҳнат конференциясининг 2021 йилги Резолюцияси бажарилишини қўллаб-қувватлашга қаратилган.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
Матбуот хизмати раҳбари

*Навоий вилояти*



## «АЁЛЛАР ДАФТАРИ»ДАН ЧИҚҚАН ИШБИЛАРМОН

**Конимех тумани «Учтепа» овул фуқаролар йиғинида 1118 нафар хотин-қиз яшайди. Уларнинг 26 нафари «Аёллар дафтари»га киритилган. Шундан 16 нафари йил бошида ишбилармонлик ҳамда тадбиркорликни йўлга қўйиш учун банк кредитлари билан таъминланган эди.**

Улардан бири – 3 фарзанднинг онаси Феруза Эгамқулова «Агробанк»дан олган 30 миллион сўмлик кредитини бевосита деҳқончиликка сарфлаб, эрта кўкламдан 2 гектар ерда полиз экинлари етиштиришга киришди. Аввалига сув масаласида қийинчиликка ҳам дуч келди. Бироқ ён-атрофидаги кишиларнинг беминнат ёрдами эвазига экинларини тўлиқ ундириб олди.

Феруза Эгамқулованинг яхши ниятлар билан бошлаган иши юқори самара берди. 2 гектар майдондан тонналаб пиёз, картошка, помидор, бақлажон, қовун, тарвуз ва бошқа маҳсулотлар йиғиштириб олинди. 17 февралда олинган кредит сентябрь ойи бошидаёқ бутунлай қопланди. Феруза Эгамқулова 15 миллион сўмга яқин фойда кўрди.

У бундан бир йил муқаддам ночор ҳолда эканини эслаб, кўзига ёш олади. Ҳаётдан розилигини қайта-қайта такрорлаб, шукроналар айтади. Айни паллада «Аёллар дафтари»дан чиққан ишбилармон замондошимиз кейинги йил режаларини тузмоқда. Нияти – ўзи каби хотин-қизлардан тўққиз-ўнтасини иш билан таъминлаш.

**Нормурод МУСОМОВ,**
«ISHONCH»

*Қашқадарё вилояти*

# Кўнгиллар ободлиги учун...

**Нишон тумани «Пахтазор» маҳалла фуқаролар йиғинида «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар билан ишлаш, уларнинг муаммоларига ечим топиш биринчи галдаги вазифага айланган.**

Биринчи босқичда ҳудуддаги 30 нафар хотин-қизга турли масалаларда ёрдам кўрсатилган бўлса, иккинчи босқичда 46 нафар аёлнинг кўп йиллик муаммолари давлат ғамхўрлиги остида бартараф этилаётир.

Жумладан, уч нафар ногирон фарзанднинг онаси Наргиза Эгамбердиеванинг уй-жойи таъмирлаб берилди. Шу маҳаллада яшовчи Дилором Ҳайитова мунтазам даволаниб туради. Тўрт фарзанднинг онаси айни пайтда мураккаб тиббий операцияга ҳозирлик кўрмоқда. Давлатимиз томонидан унинг тиббий харажатлари учун 10 миллион сўм маблағ ажратилди. Бундан ташқари, яқинда болаларига мактабга уст-бош олиши учун икки миллион сўм ёрдам пули ажратилди.

Биринчи гуруҳ ногирони Чинни Қурбоновага аравача олиб берилган бўлса, беш фарзанднинг онаси София Қодировага тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши учун имтиёзли кредит ажратилиб, хона ҳам берилди.

Шунингдек, ишсиз аёллар Сурайё Эркаева ҳамда Марҳабо Ражабова жамоатчилик ишига жалб этилди. Деҳқончиликка қизиқиши бўлган 12 нафар хотин-қизга 20 сотихдан ер майдонига мош экиб берилди.

Ҳуснизар Холиқова ҳамда Гулиойша Ваҳобова бировларнинг уйида яшайди. Тузилган ижара шартномасига кўра, уй-жойларининг ижара пули тўлаб берилмоқда. Яна олти нафар аёлга моддий ёрдам пули тақдим этилди.



Инсон яшар экан, ҳаёти давомида ташвиш ва муаммолари тугамайди. Турмушнинг «муштлари»дан қийналган аёллар кам эмас. Улар ҳам доимий эътиборда.

Энг асосийси, «Аёллар дафтари»да қайд этилиб, давлат ва жамиятдан эътибору ғамхўрлик кўраётган опа-сингилларимизда олдинга интилиш, эртанги кунга ишонч, курашчанлик туйғулари қайта юз очаётганидир.

Аён ҳақиқат шуки, аёлнинг кўнгли обод бўлса, ўзи қадрланса, шундагина у ҳаётдан рози бўлади...

**Акмал АБДИЕВ,**
«ISHONCH»

*Самарқанд вилояти*

Касаба уюшмалари кўмагида

# Қувонч келтираётган ташаббус

**Самарқанд шаҳридаги «Меҳр медиа» МЧЖ таркибида «Аёллар дафтари»га киритилган 30 нафар хотин-қиз учун янги иш ўринлари яратилди.**



– Яратилган янги иш ўринларига нафақат шаҳарликлар, балки ёндош туманда истиқомат қилаётган аёллар ҳам қабул қилинди, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши раиси ўринбосари Бекзод Ўролбоев.

Пастдарғом туманининг «Ўзбекистон» маҳалласида истиқомат қилаётган Севара Пардаеванинг иш ахтариб кирмаган эшиги қолмади. Аммо ўзига муносиб юмуш топиш имкони бўлмади. Маҳаллада нафақат у, балки ўнлаб аёллар ишсиз эди. «Аёллар дафтари»нинг юритилиши ана шундай уй бекаларига қўл келди. Касаба уюшмалари шафелигидаги корхона «Ўзбекистон» маҳалласидаги учта қишлоқда истиқомат қилаётган 20 нафар аёлни ишга қабул қилди.

– Ўзбек оиласида улғайган ҳар бир қиз эсини таниганиданоқ чеварчиликка ўргатилади. Бизни ҳам бувижонларимиз бу касбдан бохабар этгани бугун қўл келяпти, – дейди Севара Пардаева. – Айни чоғда 1,5 миллиондан 3 миллионгача маош оляпмиз. Бепул иссиқ овқат билан таъминланганмиз.

Цех устаси Фазилат Норхўжаеванинг эътироф этишича, корхона тикувчилари бир кунда 3000 та катта, 8000 тадан зиёд кичик ҳажмдаги сочиқлар ишлаб чиқараётир. Илк қадамданоқ аниқ мақсад ва манзилларни кўзлаган жамоа хориждан ҳамкорлар ҳам топиб улгурибди. Илк экспортбоп маҳсулотни Исроил давлатига жўнатишга ҳозирлик кўриляпти. Шунингдек, қўшни МДҲ давлатлари ишбилармонлари билан ҳам ҳамкорлик ўрнатилган.

– Қишлоқдан шаҳарга қатнаб овора бўламизми, деган қўрқув ҳам бор эди, – дейди тикувчи Дилнавоз Остонова. – Бу масалага ҳам корхонамиз томонидан ечим топилди. Ҳар куни ишга ва ишдан сўнг уйимизга бепул транспорт хизмати ташкил этилди.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
«ISHONCH»



*Фарғона вилояти*

Аъзолик афзалликлари

**2016 йилда иш бошлаган «Tashabbus trans» қўшма корхонаси, мана, беш йилдирки, Бағдод тумани аҳолисининг оғирини енгил, узоғини яқин қилиб келмоқда. Йўловчиларга сифатли транспорт хизмати кўрсатаётган мазкур корхонада 68 нафар ишчи-ходим меҳнат қилади. Етарлича шарт-шароит яратилгани боис ҳайдовчилар дам олиш кунларисиз, қатъий жадвал асосида фаолият юритишмоқда.**

# Ҳайдовчилар ҳимояси қай даражада?

«Бағдод – Фарғона», «Бағдод – Риштон», қўйингки, туманнинг энг чекка қишлоқларигача транспорт хизмати йўлга қўйилгани, аввало, туман аҳолиси учун катта қулайлик бўлди. Йўлкира ҳақининг ҳамёнбоплигидан ҳам йўловчилар мамнун.

– Фаолиятни бошлагач, асосий эътиборни нархларга қаратдик, – дейди «Tashabbus trans» МЧЖ таъсисчиси Эркинжон Холматов. – Оддий мисол: авваллари йўловчилар Бағдод марказидан Фарғона шаҳригача 20 минг сўм атрофида йўлкира ҳақи сарфлашарди. Биз эса уларнинг талаб ва истагини ўрганиб, Фарғона шаҳрига қатнайдиган микроавтобус қатновини йўлга қўйдик. Айни пайтда Фарғонагача йўлкира ҳақи 8 минг сўм. Қолаверса, йўловчиларга янада қулайлик яратиш мақсадида ҳар бир микроавтобусга wi-fi ўрнатилган. Шунингдек, ички йўналишларда қатновчи автобусларимизда ҳам йўлкира ҳамёнбоп. «Бағдод – Дўстлик – Қосимобод» йўналишида қатновчи автобус туман марказидан то Қосимобод қишлоғигача салкам 20 километр масофани босиб ўтади. Йўлкира эса 1000 сўм.

Тармоқ касаба уюшмаси томонидан аъзолик афзалликларини тушунтириш бўйича олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида ўтган йили мазкур корхонада бошланғич касаба уюшма қўмитаси тузилиб, Гуласал Абдулазизова касабақўм раиси этиб сайланди.

– Ходимларимиз аъзоликка қабул қилингач, кўплаб имтиёзларга эга бўлишди, – дейди Гуласал Абдулазизова. – Масалан, вақтида меҳнат таътилига чиқиш, сиҳатгоҳларда имтиёзли йўлланмалар асосида дам олиш, касаба уюшмалари томонидан ўтказиб келинаётган турли кўрик-танловларда қатнашиш, спорт мусобақаларида иштирок этиш, саёҳатларга бориш, бир сўз билан айтганда, ижтимоий имтиёзлардан фойдаланиш имконига эга бўлишди.

Ўтган ойда тўрт нафар ходим касаба уюшмалари томонидан Хоразм вилоятига бепул саёҳатга олиб борилди. Бундай эътибор аъзоларнинг касаба уюшмаларига бўлган ишончини янада оширди.

– Шу ёшга кириб, бирор марта Хоразмга саёҳатга бормаган эканман, – дейди ҳайдовчи Адҳамжон Абдуллаев. – Яқинда ташкил этилган саёҳатимиз унутилмас таассуротларга бой бўлди.

Мухтасар айтганда, корхонада касаба уюшма қўмитаси тузилгандан сўнг ходимларнинг саломатлигига, спорт-соғломлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратила бошланди. Мана, яқинда мустақиллигимизнинг 30 йиллигига бағишлаб, касаба уюшма қўмитаси томонидан мусобақа ташкил этилди. Ғолиблар иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси томонидан муносиб рағбатлантирилди.

**Жамшид ЭРГАШЕВ,**
«ISHONCH»

*Фарғона вилояти*

Долзарб мавзу

# Узумини енгу дорисини «суриштирманг»

**Узумчилик жаҳон миқёсида даромадли соҳалардан бири ҳисобланади. Масалан, юртимиз шароитида 1 гектар хўраки узум етиштириш учун ўртача 100 миллион сўм сарфлаб, 4 йилдан сўнг ҳар мавсумда 250 миллион сўмдан соф даромад олиш мумкин.**
**Ёки бошқа мисол: агар 1 гектар ғаллазорда кўпи билан 20 миллион сўмлик маҳсулот етиштирилса, узумчиликда 300 миллион сўмгача даромад олиш мумкин.**



Фикримизни Олтиариқ тумани мисолида давом эттирадиган бўлсак, бундан беш йил олдин бу ерда 30 минг тонна узум етиштирилган эди, эндиликда бу кўрсаткич икки баробарга кўпайиб, 60 минг тоннага етди.

– Айни вақтда ҳудудда 3 минг 700 гектар токзор бор, – дейди Олтиариқ тумани ҳокимлиги қишлоқ хўжалиги бўлимининг боғдорчилик, узумчилик ва сабзавотчилик бўйича бош мутахассиси Умиджон Бозоров. – Шундан 1,5 минг гектари аҳоли томорқаларида, қолган 2 минг 200 гектари ғаллазорлар қисқартирилиши ҳисобига янги ташкил этилган узумзорлар. Ўтган йили 86 миллион 400 минг АҚШ долларлик маҳсулот экспорт қилгандик. Бу йил хорижлик харидорларимизга 100 миллион долларлик узум етказиб бермоқчимиз. Икки йилдан кейин эса янги токзорлар ҳосилга кириши эвазига экспорт ҳажмини кескин оширамиз.

Таҳлилларга кўра, жаҳон бозорида уруғсиз узумга талаб-эҳтиёж кескин суръатда ошиб бормоқда. Шундан келиб чиқиб, Олтиариқ туманида 100 гектар ерда узумнинг «Сўғдиёна» номли данаксиз нави етиштирилмоқда. У бошқа навлардан серҳосиллиги ва бозорбоплиги билан ажралиб туради.

Келинг, шу ўринда, узум етиштиришдаги қийинчиликлар ва муаммолар ҳақида ҳам бирров тўхталиб ўтайлик. Сиртдан кузатганда, узумни етиштириш осонга ўхшаб кўринади.

Аслида-чи?.. Унинг ҳам ўзига яраша машаққатлари бор. Масалан, олтиариқлик Ҳасан ва Ҳусан Ғофуровлар узумдан мўл ҳосил олишнинг ва уни сақлашнинг сир-асрорларини жуда яхши билишади. Шунинг учун ҳам одамлар уларни узумнинг «пири» дейишади. Бироқ эгизаклар бу борада катта тажрибага эга бўлишларига қарамай, уларни ҳам қийнаб келаётган муаммолар кўп. Мана, ўзингиз бир эшитиб кўринг.

– Олдинги мавсумдаги сингари бу йил ҳам узум йили бўлди, – дейди Ҳасан Ғофуров. – Натижада мўлжалдагидан кўпроқ ҳосил олдик. Биз салкам 50 сотих ерда узум етиштирамиз. Уни совутгичли омборхоналарда сақлашда ва хорижга олиб боришда ҳеч қандай муаммо йўқ. Аммо узумнинг душмани бўлмиш занг, чанг, шўр касалликлари ва зараркунандаларга қарши курашиш жуда оғир кечяпти. Сабаби – ўзимизда ишлаб чиқарилаётган препаратлар самарадорлиги анча паст. Йўриқнома бўйича фойдалансангиз ҳам, зараркунандаларни нобуд қилолмаяпти. Чет эллардан келтирилаётган дорилар эса қиммат. Жумладан, зараркунандаларга қарши қўлланиладиган «Ridomil gold» препарати ўтган йили 120-130 минг сўм атрофида эди, бу йил 300 минг сўмгача чиқиб кетди. Энг ачинарлиси, зарур пайтда уни топиш амримаҳол. Ёки бошқа мисол. Ток яхши ҳосил бериши учун минерал озуқалар керак. Тажрибамиздан ўтказдикки, маҳаллий заводларда тайёрланаётган маъданли ўғитларнинг самарадорлиги анча паст. Хориждан келадиган «Yara Mila» минерал ўғити анча фойдали. Фақат баҳоси қиммат, 25 килоси 450 минг сўм! Бунақа харажатни ҳамманинг ҳам чўнтаги кўтара олмайди. Демоқчи бўлганим, ўзимизда ҳам зараркунандаларга қарши яхши самара берадиган препаратлар ва минерал ўғитлар ишлаб чиқарилса, айни муддао бўларди.

Узум етиштиришда бой тажрибага эга Адҳамжон Юнусхўжаев ҳам касалликларга нисбатан қўлланиладиган дорилар «қувватсиз»лигидан азият чекмоқда.

– Авваллари узум касалликлари кам бўларди, улардан қутулиш учун фақат олтингугуртдан фойдаланардик, – дейди у. – Ҳозир эса узум касалликларининг ўнга яқин тури пайдо бўлди. Баъзида қайси бири билан қандай курашишни ҳам билмай қоляпмиз. Устига-устак, зараркунандаларга қарши ишлатиладиган дорилар фойда бермаяпти. Шунинг учун ҳосилни сақлаб қолиш учун хориждан келтирилган қиммат дорилардан фойдаланишимизга мажбур бўляпмиз. Баъзан ўйлаб қоламан, наҳотки, ўзимизда шундай препаратларни ишлаб чиқаришнинг имкони бўлмаса...

Элёржон Отабоев ҳам тажрибали миришкорлардан. У 8 гектардан ортиқ майдонда ток парваришламоқда. Айни пайтда қора мерс, келинбармоқ ва хориждан келтирилган уруғсиз «Аватар» навли узумлар етиштирмоқда.

– Илгари айни узум пишган паллада четга чиқиш йўллари ёпиб қўйиларди. Оқибатда узумни арзон гаровга сотардик, – дейди у. – Ҳозир бундай тўсиқлар йўқ. Лекин узум етиштиришда энг катта муаммо унинг касалликларига қарши қўлланиладиган дорилар кутилган натижа бермаётгани бўлиб қолмоқда. Яқинда «Нурел» дорисидан фойдалангандим, заррача нафи тегмади. Унинг ўрнини босувчи хориждан келтирилган дори бор. Аммо 100 грамминг нархи 400 минг сўм атрофида. Ундан фойдаланмасак, узумдан ҳосил олишимиз даргумон. Агар самарадорлиги юқори шунақа дорилар ўзимизда ишлаб чиқарилса, фойдадан холи бўлмасди.

Кўриб турганингиздек, узум етиштирувчи боғбонларни бугунги кунда сув тақчиллиги ёки маҳсулотни сақлаш омборлари камлиги эмас, балки касалликларга қарши курашиш учун зарур препаратлар ва минерал ўғитларнинг самарадорлиги сустлиги қийнамоқда. Бу эса ушбу муаммога жиддий эътибор қаратиш, деҳқонларни ташвишлантираётган масалаларни ижобий ҳал этиш бўйича кескин чоралар кўриш зарурлигини англатади.

**Жамшид ЭРГАШЕВ,**
«ISHONCH»

*Қорақалпоғистон Республикаси*



Учрашув

## Фидойилик йўли

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қорақалпоғистон кенгашида давлат ва жамоат арбоби, касаба уюшмаси фахрийси Ажинияз Тажибаевнинг 80 йиллик юбилейи муносабати билан учрашув ўтказилди.**

Ярим асрдан кўпроқ меҳнат фаолияти давомида давлат ва жамоат ишларида фидойилик кўрсатган Ажинияз Тажибаев 1986-1990 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмалари кенгаши раиси лавозимида ишлаган.

А.Тажибаевнинг ижодкорлик соҳасидаги фаолияти ҳам таҳсинга лойиқ. Шеърлари ўзбек, рус, қозоқ, татар тилларида нашр этилган.

Унинг меҳнатлари давлатимиз томонидан муносиб баҳоланиб, қатор давлат мукофотларига сазовор бўлди.

Учрашувда А.Тажибаев ўзининг ҳаёт йўлига мухтасар тўхталиб, орттирган тажрибаси билан ўртоқлашди.

**Есимхон ҚАНОАТОВ,**
«ISHONCH»

*Наманган вилояти*



Мусобақа

## МИБчилар мерганлиги

**Мажбурий ижро бюроси Наманган вилояти бошқармаси бошланғич касаба уюшма қўмитаси спортнинг ўқ отиш, шахмат ва шашка турлари бўйича раҳбар-ходимлар ўртасида мусобақа ташкил этди.**

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Наманган вилояти кенгаши тасарруфидаги замонавий кўринишдаги «Ўқ отиш мажмуаси»да бўлиб ўтган беллашувлар қизғин, муросасиз кечди. Ҳар бир иштирокчи маҳорат ва тажрибасини ишга солиб, белгиланган нишонни бехато уришга интилди. Ҳаво милтиғидан ўқ отиш жараёни баҳоланганда, якуний натижаларга кўра, биринчи ўрин бюронинг Давлатобод тумани бўлими бошлиғи Илҳомжон Қодиров, иккинчи ўрин эса Чортоқ тумани бўлими бошлиғи Ҳусанбой Қурбонов ва учинчи ўрин Наманган шаҳар бўлими бошлиғи Отабек Отажоновга насиб этди.

Якунда ғолиблар диплом, фахрий ёрлиқ ҳамда совғалар билан тақдирландилар.

**Орзугул РУСТАМОВА,**
«ISHONCH»



Кечинма

# ЎҚИБМАН-У, УҚМАБМАН-ДА...

**Тонг ғира-ширасида ошхонага ўтдим. Иш бошлашдан олдин одатим бўйича радио қулоғини бурадим. Миллий мусиқа асбобларимизда ижро этилган ёқимли куйга хонанданинг дардли овози жўр бўлди:**

*Маҳтумқули айтар: топмадим омон,*
*Ёмон тилнинг заҳри илондан ёмон.*
*Ёмон тил олдида заҳарли илон*
*Чақса-да, бир чивин чаққанча бўлмас...*

Ажаб, донишманд шоир шу тўрт сатрга сингдирган ва сиғдирган фикрни кимлардир қалин китобда ҳам бунчалар аниқ, таъсирчан ҳамда халқона қилиб ифодалаб беролмаса керак. Бир қатра... Аммо аждодлар меросидан авлодлар қалбига умрбоқий дарёдек шарқираб оқиб кирмоқда. Сабаби – инсон боласи ўзини англай бошлаганидан то умрининг охиригача амал қилиши зарур бўлган ҳақиқатлардан бирининг қурч баёни бу. Ёши асрдан улуғроқ бўлган айни сатрларни мен ҳам ёшлигимдан биламан. Лекин... ўқибман, ёдлабман-у... уқмабман-да!

Тилимнинг заҳарли қиличи яралаган қалбларнинг, тиғи сўлдирган-у ўлдирган шодликлар, умид, ишонч, илинжларнинг сон-саноғи ўзимга ҳам аён эмас. Бироқ ҳисоб-китобнинг вақт-соати келиши муқаррар. Сабрсизликдан, нафс йўлига юриб, оқибатини ўйламай сўзлашимдан панд еган онларим камми? Фақат ўшандаям чарчаганимни, шошилиб турганимни, кайфиятим йўқлигини, ёшим катта ёки кичиклигини баҳона қилиб, ўзимни ҳимоялайман, бировни чақиб қўйган тилим унга малҳам қўйишга эмас, яна ўзимни оқлашга хизмат қилади...

Ўсмирлигимда ҳовлимизда дўппи тикиб ўтириб эшитардим бу ашулани. Энди набиралар камолот ёшига қараб бормоқда. Бир умр эшитиб, таъсирланиб, ҳатто ибрат сифатида бошқаларга қайта-қайта ўқиб бераверибман-у, ўзим ибрат кўчасидан четлаб ўтибман. Тил жиловини шайтонга тутқазиб қўйиб, дилозорликдан ҳали-ҳануз қутула олмайман. Ҳисоб-китоб – муқаррар!

Тонг ёришиб боряпти. Қалблардаги эзгу орзу-умид, янги режалар ниҳоли барг ёзиб, гуллашдан умидвор. Сўзларнинг ҳарорати, майин нафасидан ҳам бу гуллар қувват олади – мева боғлайди.

Шу тонгга етказганига, субҳи содиқда қалбимни яна бир бор огоҳликка чақирганига шукр. Дилим билан тилимни мулойим ва уйғун эт! Дилозорлик азобидан ўзимни, ўзгаларни асра! Қалбларимизни чиройли сабр, меҳр-оқибат, ақлу фаросат, икки дунё саодатидан умидворлик нурлари ила ёруғ эт! Ҳақ йўлингда собит эт, эй карами кенг Парвардигори олам!

**Муҳтарама УЛУҒОВА**

Саломатлик бекати

**Гапнинг дангалини айтганда, бугун озиқ-овқат дўконлари турли қувватбахш (энергетик) ичимликлар билан тўла. Демак, улар ниҳоятда кўп истеъмол қилиняпти.**
**Энди савол туғилади: хўш, уларнинг соғлиққа зарари йўқми? Фойдаси қандай?**
**Бу ҳақда сўз юритар эканмиз, мутахассисларнинг бир маълумотига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Яъни, энергетик ичимликлар таркибида 150 миллиграммдан ортиқ миқдорда кофеин, таурин ва инсон организмининг ҳаётий фаолиятини ўзгартирувчи бошқа таркибий қисмлар мавжуд.**

# ВАҚТИНЧАЛИК ҚУВВАТ ЗАРАРИ

## *ёхуд энергетик ичимликлар ҳақида нималарни биламиз?*




Энди уларнинг оммалашишига келсак. Буни ҳам бир маълумотда кўрамиз. Мазкур ичимликлар таркибидаги кофеин психостимулятор модда бўлиб, у вақтинчалик тетиклик ҳиссини бериб, чарчаш ҳолатини енгиллаштириши, ақлий фаолиятни кучайтириши мумкин. Мана шу жиҳати билан улар «қувватбахш»дир.

Аммо маълум бир вақтдан сўнг (1-1,5 соат) инсон организмида чарчоқ баттар кучаяди, бош оғриғи пайдо бўлиб, ақлий ва жисмоний фаолият сусаяди. Тез-тез ва сурункали истеъмол қилувчиларда кейинчалик бўғим оғриқлари юзага келади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ўсмирлар ва болалар учун ҳафта мобайнида кофеин истеъмолини 60 миллиграммдан оширмаслик зарурлигини тавсия қилган. Битта энергетик ичимлик таркибида ўртача 30 миллиграмм кофеин мавжудлиги инобатга олинса, унинг қанчалик зарарли экани маълум бўлади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, 18 ёшга тўлмаган болалар ва ўсмирлар, ҳомиладор ва эмизикли аёллар, юрак-қон томир касалликлари ва қандли диабетга чалинган беморларга энергетик ичимликларни ичиш тақиқланади. Бундай ичимликларни кўп истеъмол қилиш инсон танасидаги ҳужайра ва тўқималарга жиддий зарар етказиб, жигар, қандли диабет, саратон, юрак-қон томир касалликларини келтириб чиқаради.

**МАМЛАКАТИМИЗДА ҲАМ БУ БОРАДА БИР ҚАТОР ҚОНУНИЙ ТАРТИБЛАР БЕЛГИЛАНГАН. ХУСУСАН, ЭНЕРГЕТИК ИЧИМЛИКЛАР РЕКЛАМАСИДА ИЧИМЛИКЛАРНИ ИЧИШ ЖАРАЁНИНИ НАМОЙИШ ЭТИШ МАН ҚИЛИНГАН БЎЛИБ, РЕКЛАМА ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ВА СПОРТГА ОИД МУВАФФАҚИЯТГА ЭРИШИШИ ЁКИ ЖИСМОНИЙ ҲАМДА РУҲИЙ ҲОЛАТИ ЯХШИЛАНИШИ УЧУН МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА, ДЕГАН ТААССУРОТНИ ЮЗАГА КЕЛТИРМАСЛИГИ КЕРАК. МАЗКУР ҚОНУН ТАЛАБЛАРИНИ БУЗГАНЛИК ЖАВОБГАРЛИККА САБАБ БЎЛАДИ.**

Энергетик ичимликлар таркибида тетиклантирувчи моддалар сабаб баъзи «фақат шуни ичсам, қувват оламан», деган фикр пайдо бўлади ва бора-бора ичимликка нисбатан доимий қарамлик келиб чиқади. Ачинарлиси, энергетик ичимликларга ўрганиб қолиши натижасида ўсмирлар келгусида кўплаб асаб касалликларига чалиниши мумкин. Чунки бундай ичимликлар инсонда қўрқув (стресс) ҳолатларини келтириб чиқаради. Баъзи шифокорларнинг фикрича, ҳатто бепуштликка ҳам олиб келиши мумкин.

Айни вақтда дунёнинг кўплаб давлатларида энергетик ичимликларни сотишга турли қонуний чекловлар белгиланган. Масалан, аксарият мамлакатларда 18 ёшга тўлмаган шахсларга бу каби ичимликларни сотиш чекланган бўлса, Дания, Туркия, Норвегия, Исландия каби мамлакатларда ва АҚШнинг айрим штатларида энергетик ичимликлар сотуви бутунлай тақиқланган.

**ШУ ЎРИНДА ТАЪКИДЛАШ ЖОИЗКИ, 18 ЁШГА ТЎЛМАГАН БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР, ҲОМИЛАДОР ВА ЭМИЗИКЛИ АЁЛЛАР, ЮРАК-ҚОН ТОМИР КАСАЛЛИКЛАРИ ВА ҚАНДЛИ ДИАБЕТГА ЧАЛИНГАН БЕМОРЛАРГА ЭНЕРГЕТИК ИЧИМЛИКЛАРНИ ИЧИШ ТАҚИҚЛАНАДИ.**

Мамлакатимизда ҳам бу борада бир қатор қонуний тартиблар белгиланган. Хусусан, энергетик ичимликлар рекламасида ичимликларни ичиш жараёнини намойиш этиш ман қилинган бўлиб, реклама истеъмолчиларнинг ижтимоий ва спортга оид муваффақиятга эришиши ёки жисмоний ҳамда руҳий ҳолати яхшиланиши учун муҳим аҳамиятга эга, деган таассуротни юзага келтирмаслиги керак. Мазкур қонун талабларини бузганлик жавобгарликка сабаб бўлади.

Шу ўринда савол туғилади: одам чанқаса ёки чарчаса, нима ичиши керак? Бунинг йўли оддий – оддий сув ичиш!

Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, ёши катта инсонларда тананинг 60-70, болаларда 80-90 фоиз қисми сувдан иборат бўлиб, инсон ҳужайраларидаги барча жараёнлар сув орқали амалга ошади. Шу боис, организм қанча сув талаб қилаётган бўлса, шунча миқдорда сув ичиш зарур. Сув газланмаган, турли моддалар қўшилмаган бўлиши керак.

Айтмоқчи бўлганимиз шуки, ҳаётни мудом табиий қабул қилиш лозим. Сунъий нарсалар эса ҳар доим вақтинчалик бўлади.

**Дилором ХУДОЙБЕРГАНОВА,**
«ISHONCH»

2- Республика тиббиёт коллежи томонидан 2013 йилда **Суннатова Дурдона Саъдулла қизи** номига берилган К № 3175621 (рўйхат рақами 96) рақамли диплом йўқолгани сабабли **бекор қилинади.**

***

Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманидаги 65-сонли Катталар таълим маркази томонидан 2003 йилда **Исмаилова (Абдусалимова) Сайера Бахтияровна** номига берилган O‘R-A №1425514-рақамли шаҳодатнома йўқолгани сабабли **бекор қилинади.**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Жиззах вилояти кенгаши ҳамда Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Жиззах вилояти кенгаши жамоалари Жиззах тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси

**Анзурат ЭГАМОВА**нинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.







# Эҳтиром

## «Янги Ўзбекистон» боғидан 30 гулдаста

**Сайёра ТЎЙЧИЕВА,**
шоира

*Бошларман энг азиз суҳбатларимни,*
*Бу ўлан кўп замон ичга ютилган.*
*Тарих карвонининг азим норига*
*Менинг боболарим юки ортилган.*

*Заминга қадалган илк ниҳол – умид!*
*Шу ниҳол улғайиб камолга келур.*
*Бордир заколарим ҳақиқатлари:*
*Мозийдан сўз айтмоқ хайрли бўлур!*

*Тарих бир чироқдир авлодлар йўлин*
*Нурафшон айлаган, ёритган мудом.*
*Букун фахр билан айтмоқ чоғидур –*
*Ҳар банди эҳтиром, ҳар банди илҳом.*

*Тешиктош ғоридан термулган бобом*
*Мангу муҳрлаган менинг шонимни.*
*Геродот кўз-кўзлаб юртим кечмишин,*
*Мангуга битгандир Гулистонимни.*

*Минг-минг йиллик тарих ётар қатма-қат,*
*Широқ чалган найдан келар ноласи.*
*Тўмариснинг азму шижоатига*
*Ё, Эрк деб юксалган ўзбек боласи.*

*Искандар тиғига бўлолган қалқон*
*Спитамен – баҳодир, ёвқур ва азим.*
*Мўғул тўфонига кўксини тутган*
*Нажмиддин Кубродир, улуғ Хоразм.*

*Алп Эр Тўнға эди мағрур суворий,*
*Ўзбеклар давлатин азамат шоҳи.*
*Афросиёбдаги карвонларимнинг*
*Буюк тарих эрур одил гувоҳи.*

*Ўрхун-Энасойдан келар овози*
*Боболарнинг шонли йўллари билан.*
*Сезаман меҳр-ла бошим силайди*
*Авестони битган қўллари билан.*

*Жаҳон тамаддунин олтин бешиги,*
*Уни тебратгандир мард момоларим.*
*Берунийлар тавоф қилган эшигим,*
*Ибн Сино топган илк шифоларим.*

*Ернинг харитасин тузганлар мумтоз,*
*Бемор дунё бошин силаган табиб.*
*Оламга устоздир Имом Бухорий,*
*Имом Термизийдир инсонга ҳабиб.*

*Оққан дарёларим қуримас сира,*
*Беҳикмат ёнмагай юртимда зиё.*
*Улуғ Хоразмийнинг сабоқларидан*
*Санашни ўрганиб олган-ку дунё!*

*Бу юрт осмонида қаро булутлар*
*Чингизу арабий жолалар тўкди.*
*Жалолиддин бўлиб ҳайқирди ўғлон,*
*Бағри хун оналар нолалар чекди.*

*Бу халқнинг юраги умидга тўлиқ,*
*Ярқираб бўй берган нажот жамоли.*
*Асрлар шамоли қолдирган доғни*
*Учириб кетгандир Темур шамоли.*

*Буюк Соҳибқирон шони мангулик,*
*Тарих елкасига янги тўн ёпган.*
*Авлодлар абадий фахр этгулик,*
*Оврупо уч аср этагин ўпган!*

*Мирзо Улуғбекнинг олтин нарвони*
*Башар фарзандига кўкка йўл очди.*
*Бибихоним суйган бу доно ўғил*
*Қадим юрт бошидан юлдузлар сочди.*

*Сўзнинг саҳросида ўкирмиш бер шер,*
*Икки алп дарёдан сув ичган қониб.*
*Майдонга кирганда Ҳазрат Алишер,*
*Овозидан кетган олам уйғониб!*

*Ёзсам қалам, айтсам сўздан адашдим*
*Улуғ салафларим ҳайбатларидан.*
*Бобурнинг доғидан кўзим қамашди,*
*Ҳиндистон ёдлаган ҳикматларидан.*

*Бу менинг кечмишим, шоним, шарафим,*
*Менинг томирдаги қоним йўлидир.*
*Туркий оилада музаффар, ғолиб,*
*Мангу янграб турган Ўзбек тилидир.*

*Ўзбекман!*
*Шу шараф етгайдир менга,*
*Асрлар тоқига муҳрини қўйган.*
*Бир замон Қодирий отилган чоҳга*
*Келажак кўпригин нишонин ўйган.*

*Ўзбекман!*
*Чўлпоннинг қутлуғ қонлари,*
*Болам, томирингда югураётир.*
*Ҳазрат Беҳбудийнинг армонларини*
*Қаламим шеър қилиб ўгираётир.*

*Шароф Рашид ўғли – элпарвар бир зот,*
*Мустабид дамларда тунлар ёш тўккан.*
*Миллат иқболи деб ўтган инсоннинг*
*Қабоҳат қўллари қаддини буккан.*

*Ҳар туннинг ортидан янги кун келар –*
*Етишдик янги тонг саодатига!*
*Истиқлол қуёши нурин улашди*
*Ислом Каримовнинг шижоатига!*

*Ложуворд чироқлар ёғдуларидан*
*«Янги Ўзбекистон» нурга чўмилгай!*
*Ўзбекюрт Сардорин орзулари жам,*
*Бу боғда келажак байроғин илгай!*

*Миллат фарзандлари ўссин деб ўктам,*
*Юрт эгаси тунни улайди кунга!*
*Муаллим обрўси, шифокор қадри,*
*Олимлар закоси керак Ватанга!*

*Унут мақомларим, бахши, жировим,*
*Бемор ётганиму бедор аскарим.*
*Барисин тақдирин қайғуриб, ёниб,*
*Юртбошим қадами бир зўр зафарим.*

*«Янги Ўзбекистон», бу – янги тарих!*
*Янги истиқболга қўйилган ҳайкал.*
*Бордир фурсат деган доно муаррих,*
*Вақтни безаб борар муддао, амал.*

*Ренессанс сўзи-ла уйғонди қалблар!*
*«Нур – Шарқдан!»*
*Амалга кирди ҳақиқат.*
*Жаҳолатга қарши маърифат билан*
*Курашмоқ онидир бу дам, бу фурсат!*

*«Янги Ўзбекистон» – мағрур бу қадам!*
*Руҳимда шукуҳ нур пардаларидай.*
*Олимп чўққисида рақибин йиққан*
*Баҳодир Жалолнинг зарбаларидай!*

*Элимни асрагин беназир Тангрим,*
*Асрагил кексаю навқирон ёшин.*
*Қанча заҳматларни бошдан кечирган,*
*Энди хам қилмасин ҳеч қачон бошин!*

*Ёмон кўз тегмасин, эй, Қодир Худо,*
*Азиз чаманимга, азим тоғимга!*
*Мен эса шеъримни япроқдек тўкдим*
*«Янги Ўзбекистон» деган боғимга!*






Темур МАМАДАМИНОВ (ЎзА) олган суратлар.

**МУАССИС:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ
(таҳрир ҳайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Суҳроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира КАРИМОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ
(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Меҳриддин ШУКУРОВ
(Масъул котиб – «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК

**Бош муҳаррир**
Ҳусан ЭРМАТОВ

**Бўлимлар:**
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

**www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.**

**Ҳудудлардаги мухбирлар:**
**Қорақалпоғистон Республикаси** – (+998-99) 889-90-22
**Андижон вилояти** – (+998-99) 889-90-23
**Бухоро вилояти** — (+998-99) 889-90-31
**Жиззах вилояти** – (+998-99) 889-90-34
**Наманган вилояти** – (+998-99) 889-98-02
**Навоий вилояти** – (+998-99) 889-90-28
**Тошкент вилояти** — (+998-99) 889-98-44
**Самарқанд вилояти** – (+998-99) 889-90-26
**Сирдарё вилояти** – (+998-99) 889-98-55
**Сурхондарё вилояти** – (+998-99) 889-90-32
**Фарғона вилояти** – (+998-99) 889-90-24
**Хоразм вилояти** – (+998-99) 889-98-01
**Қашқадарё вилояти** – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

**Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.**

**Навбатчи муҳаррир:**
А. Абдураҳмонов

**Мусаҳҳиҳ:**
Д. Худойберганова

**Саҳифаловчи:**
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – **21:20**
Топширилди – **21:40**

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма **Г – 906.** **27567** нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6

**Баҳоси келишилган нархда**

**Манзилимиз:**
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
**Корхона манзили:**
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

**Таҳририят ҳисобрақами:**
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank»
Яшнобод филиали,
банк коди: 00959,
СТИР: 201133889,
ОКЭД: 58130